Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

20-йил чиқиши

№ 14 (4730).

19 ЯНВАРЬ ЖУМА 1973 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОЛМОСИ

Тошкент абразив буюм комбинатининг янги цехи сунъий олмос доналари тайёрлаб чиқара бошлади.

Олмос синтез қилувчи цехни «Узгипротяжпром» институти лойиҳалади, технологиясини Москва олимлари ишлаб чиқди.

— Бизда ясалган синтетик олмос қаттиқлиги ва бошқа ҳамма хусусиятлари жиҳатидан табиий олмосдан ҳеч бир фарқ қилмайди, — дейди корхонанинг бош инженери М. Ф. Сурнин. Энди Тошкент абразив буюм комбинатида бутун бир «олмос комплекси» вужудга келтирилди. Тош синтез цехидан олмос асбоблар ишлаб чиқарувчи цехга ўтади. Бу олмос цехидан сал илгарироқ қуриб битказилганди. Ҳозиргача унинг хом ашёси олисдан ташиб келтирилади. Энди ўзимизники ярайди.

Тошкент олмос комплекси — Ўрта Осиёда биринчи шундай корхонадир. Мутахассислар-нинг юксак баҳосини олган Тошкентнинг олмос асбоби мамлакатимизнинг ҳамма чеккаларидаги машинасозлик заводларига юборилмоқда.

Комбинат коллективи олмос синтез қилувчи цехни ишлаб чиқаришни ривожлантириш фонди ҳисобига ўз кучлари билан қурди. Олмос тайёрлай оладиган мутахассис кадрларни ўқитишда Москва области ва Украинадаги шундай завод ходимлари ёрдам бердилар.

(ЎзТАГ).

А. Н. КОСИГИН УФАДА

УФА, 17 январь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Бошқирдистонда бўлган вақтида Усть-Балик-Курган-Уфа-Альметьевск нефть қувури қурилиши трассасига сафар қилиб, қурилишнинг борши билан танишди. У Уфа моторсозлик заводига борди, ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида ва «Москвич-412» автомобили учун двигателлар ишлаб чиқарувчи янги қувватларни ўзлаштириш ҳақида ишчилар, инженер-техник ходимлар билан суҳбатлашди.

КПСС область комитетида республика нефть саноати ходимлари ва нефть қувури қурилишида қатнашаётган ташкилотлар вакилларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда тўққизинчи беш йилликнинг ана шу жуда муҳим объектини қуриш суръатларини янада жадаллаштириш масалалари батафсил муҳокама қилинди. Кенгашда А. Н. Косигин нутқ сўзлади.

А. Н. Косигин республика партия-хўжалик активининг Бошқирдистон пойтахтида ўтказилган йиғилишида қатнашди.

А. Н. Косигин актив йиғилишида сўзлаган нутқида Бошқирдистон АССР меҳнаткашларининг республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришдаги муваффақиятларини таъкидлаб, КПСС XXIV съезди қарорларида, шунингдек КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми қарорларида халқ хўжалиги соҳасида белгилаб берилган энг муҳим вазифалар тўғрисида гапирди.

А. Н. Косигин КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг ташқи сиёсат соҳасидаги фаолияти масалаларини, ҳозирги халқаро вазиятнинг актуал проблемаларини ҳам ёритиб берди.

* * *

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин 17 январда Москвага қайтиб келди.

ЯНГИЙЮЛ районидаги «Ўзбекистон ССР XX йиллиги» колхоз устахонасида иш қизғин. Ҳозиргача мавжуд 96 трактордан 72 таси тўла ремонтдан чиқариб қўйилди. Суратда (чапдан) колхоз инженери Сандқул Йўлдошев звено бошлиғи Неъматжон Қосимов қилган ремонтнинг сифатини текширяпти. (Ўнгда) Абдирасул Пирманов техникани ремонт қилмоқдалар.

Қосимов, Ниёзбек А. Абалян фотоси.

ОЙДА ИККИНЧИ КУН

Олис Космик алоқа марказн, 18 январь. (ТАСС). Кеча кечқурун «Луноход-2» ўзиюрар аппарат билан навбатдаги радиоалоқа сеанси ўтказилди.

Қуёш тикка бўлиб, ҳаракатни бошқариш қийинлашганлигидан сеанс давомида Луноход қўниш босқичи яқинида оз-оз жилиб турди. Қўниш жойининг телевизион манзаралари ерга юборилиб турди. Бу манзараларнинг анализи станциянинг Ойга қай тахлитда қўнганлигини билишга имкон берди.

Илмий приборлар ёрдами билан қуёшнинг рентген нурланиши ва осмоннинг ёритилиши ўлчанди. «Луна-21» станцияси қўнган жойда Ой замининнинг механик хоссалари биринчи марта чамаланди.

Радиоалоқа сеанси охирида «Луноход-2» автомат аппарати ўз ичидаги энергия манбалари қуёш батареяси ёрдами билан зарядланишини таъминлайдиган қолатга қўйилди.

Телеметрик информацияни анализ қилиш Луноход ичидаги системалар ва илмий аппаратлар нормал ҳолда ишлаётганлигини тасдиқлади.

«Луноход-2» совет ўзиюрар аппаратининг Равшанлик денгизидаги илмий иши муваффақиятли давом этмоқда.

ИНСТИТУТ БАЙРОҒИДА ЛЕНИН ОРДЕНИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ИНСТИТУТИГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

17 январь куни КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти олимлари, илмий ходимлари, ишчилари ва хизматчилари коллективининг катта байрами бўлди. Бу ерда институтга Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилиш ўтказилди. Институт коллективи К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Ленининг ғоявий меросини ишлаб чиқиш, нашр этиш, пропаганда қилиш соҳасидаги катта хизматлари учун ва институт ташкил топган кунининг 50 йиллиги муносабати билан Ватанимизнинг ана шу олий мукофотини олишга сазовор бўлди.

Йиғилишни институт директори академик П. Н. Федосеев очди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси фахрий президиумга баланд руҳ билан сайланди.

Йиғилишда ҳамма томонидан самимий кутиб олинган КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. А. Суслов нутқ сўзлади. У КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми номидан марксизм-ленинизм институти коллективини юксак мукофот — Ленин ордени билан самимий муборакбод қилди.

Маркс ва Энгельс институти, дейди М. А. Суслов, В. И. Ленин ташаббуси билан ташкил этилган эди. В. И. Ленин Маркс билан Энгельс асарларини мумкин қадар кенгроқ ёйиш ва ўрганиш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилган эди. Бизнинг партиямиз Ленининг кўрсатмасини бажара бориб, илмий коммунизм асосчиларининг буюк ғоявий меросини тўплаш, сақлаш, ишлаб чиқиш ва пропаганда қилишга ҳамиша жуда катта аҳамият бериб келди. Бу тушунарли бир ҳол, чунки уларнинг асарлари партиямиз кучларининг, барча мамлакатлар ишчилар синфи ва меҳнаткашлари кучларининг ҳаётбахш манбаи, жамиятни революцион тарзда ўзгартириш учун, коммунизм учун курашда ишончли дастур бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва у ташкил этган институтнинг ярим аср мобайнида зўр ғайрат ва сабот-матонат билан олиб борган ишлари натижасида бебаҳо ғоявий хазина тўпланди. Бундан эллик йил муқаддам институт ташкил этилган чоғда унинг ихтиёрида К. Марксниг атиги 8 дасхати бор эди. Ҳозирги вақтда унда К. Маркс ва Ф. Энгельс ёзган қариб 8 минг ҳужжат ва В. И. Ленин ёзган 32 мингдан ортиқ ҳужжат бор.

Институтнинг Карл Маркс ва Фридрих Энгельс асарларининг нинг нашрини, Владимир Ильич Ленин асарларининг беш нашрини чоп этиш соҳасида қилган катта ишларига муносиб баҳо берилди. Бу асарлар жаҳондаги 118 халқ тилида жами ярим миллиард нусхага яқин нашр этилди.

Институт филиаллари ҳам анча кўп иш қилди. Бу филиаллар В. И. Ленин асарларининг тўртинчи нашрини СССР халқлари тилларига таржима қилиб нашр этдилар, баъзи филиаллар эса, В. И. Ленин асарларининг тўла тўпламини, шунингдек К. Маркс ва Ф. Энгельснинг танланган асарларини нашр этишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

Марксизм-ленинизм классикларининг асарларини чет тилларга нўқлаб нашр этишда ҳам институт актив қатнашмоқда.

М. А. Суслов сўзини давом эттириб яна бундай деди: марксизм-ленинизм ғалаба қозониш ҳақидаги буюк фандир. Бу фан коммунистик ҳаракатни ижтимоий тараққиётнинг, революциянинг, социализм ва коммунизм қурилишининг қонуниятларини билиш билан қуроллантиради, партиянинг тўғри сиёсатини ишлаб чиқиш учун, партия фаолиятининг турли босқичларига стратегия ва тактикани белгилаш учун илмий асос яратиб беради.

Бизнинг партиямиз ва унинг Марказий Комитети, деб таъкидлади М. А. Суслов, ўз фаолиятида марксизм-ленинизм таълимотига доим амал қилиб келмоқдалар, бу таълимотни ижодий тарзда қўлланиб ва ривожлантириб, мамлакатимизда коммунизм қуришдан иборат ленинча йўлни изчиллик билан амалга оширмоқдалар.

М. А. Суслов яна қуйидагиларни айтди: совет халқи, бутун жаҳондаги тараққийпарвар кучлар яқинда Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил топган кунининг 50 йиллигини тантанали вазиятда нишонладилар. СССРнинг ташкил топиши мамлакатимизда социализм ва коммунизм қурилишининг ҳал қилувчи омилларидан бири бўлиб, бутун инсониятнинг социал тараққиётида муҳим босқичдир.

Ҳозиргача соҳасидаги муваффақиятлар, мамлакатимиз иқтисодий ва мудофаа қудратининг ўсиб бораётганлиги, бутун совет халқининг қудратли маънавий-сиёсий жипслиги негизида ва партиянинг тўғри ташқи сиёсати туфайли халқаро ишларда давлатимизнинг роли доим кучайиб бормоқда. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати XXIV съезднинг ташқи сиёсатига доир программасини актив ва собитқадамлик билан амалга ошириб келмоқдалар. Бу программа жаҳон сиёсатининг тасирчан омили бўлиб қолди.

Биз, деб уқтириб ўтди М. А. Суслов, аввало, марксизм-ленинизм таълимотига ҳамиша амал қилаётганлигимиз туфайли коммунистик қурилишда, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда муваффақиятларга эришдик.

Коммунизм сари олга бораётган социалистик жамиятимизни ҳар томонлама мавж уриб юксалтириш, шунингдек халқаро вазиятда доим рўй бераётган мураккаб ўзгаришлар бизнинг олдимизга кўпгина янги проблема ва вазифаларни қўйдики, буларга ўз вақтида назарий жиҳатдан асосли жавоб ва тавсиялар бериш зарур. Коммунизм қурувчиларининг онгли ўзгартирувчи фаолияти тажрибасини доим умумлаштириш, коммунистик қурилишнинг ўртага қўйиш пайти келиб қолган вазифаларини ҳал этиш формалари ва методларини назарий жиҳатдан асослаб бериш зарур, деб таъкидлади М. А. Суслов.

Бизнинг партиямиз марксизм-ленинизм фанини ижодий тарзда бундан буён ҳам ривожлантириш учун ҳамма ишни қилади. Ўртоқ Л. И. Брежнев «Совет Социалистик республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисида» қилган ажойиб докладида бундай деган эди: «Партия мураккаб ижтимоий ҳодисаларни ўрганишга новаторларча, ленинча ёндошишни, назарий кадрларимизни ижтимоий назарияни ривожлантиришга, воқеликни ижодий таҳлил этишга қаратилган ишларини ҳамиша қўллаб-қувватлаб келди ва қўллаб-қувватлайверади».

Бизнинг партиямиз марксизм-ленинизмни ҳар қандай бузишларга қарши қаттиқ туриб ҳимоя қилиб келмоқда. КПССнинг революцион назариянинг поклиги учун олиб бораётган курашини жаҳон революцион ҳаракатида қатнашаётган қардош партиялар актив қўллаб-қувватламоқдалар.

М. А. Суслов сўзини давом эттириб, яна бундай деди: маочиларнинг антиленинчи, буюк давлатчилик-шовинистик сиёсатиларни нақадар қуюшқондан чиқариб юборганлигини ҳаммамиз яққол кўриб турибмиз. Маочиларнинг Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга нисбатан ошкора душманликдан иборат ташқи сиёсий йўли жаҳон социализм системасига путур етказиш, коммунистик ва ишчилар ҳаракати сафларини ва замонамиздаги бошқа революцион кучлар сафларини бузиш, халқаро кескинликни кучайтириш ва ҳарбий можароларни авж олдиришга қаратилган. Бу йўл реакцион империалистик кучларнинг сиёсати билан тобора қўшилиб кетмоқда ва жаҳон социализмига, ҳалқаро пролетариатга миллий озодлик ҳаракатига, империализм билан курашга жиддий зарар етказмоқда.

КПСС XXIV съезди таъкидлаб ўтганидек, ўнг ва «сўл» ревизионизмга, миллатчиликка, троцкизмга, маочиларнинг идеологияси ва йўлига қарши, антисоветизм ва антикоммунизмга қарши кураш аввалдагидек ҳозирда ҳам муҳим ва актуал вазифа бўлиб қолади.

Марксизм-ленинизм институти илмий ходимлари коллективи марксизм назариясининг актуал проблемаларини ишлаб чиқишда, буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига қарши, реформистик ва ревизионистик қарашларга қарши курашда муҳим роль ўйнаши лозим. Сўнгра ўртоқ М. А. Суслов марксизм-ленинизм институти ва унинг филиаллари ходимлари олдида турган конкрет вазифаларга тўхталиб ўтди.

Ўртоқ М. А. Суслов сўзининг охирида СССР Олий Совети Президиумининг институтни мукофотлаш тўғрисидаги фармонини ўқиб берди ва мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида ордени институт байроғига қадаб қўйди.

Шундан кейин П. Н. Федосеев нутқ сўзлади.

Москва шаҳар партия комитетининг секретари В. Н. Ягодкин, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги ижтимоий фанлар академиясининг ректори М. Т. Иовчук, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги олий партия мактабининг ректори Е. М. Чехарин институт коллективини юксак мукофот билан самимий табрикладилар. Катта илмий ходим М. Я. Панкратова марксизм-ленинизм институти ходимлари номидан гапирди.

Йиғилиш қатнашчилари ғоят баланд руҳ билан КПСС Марказий Комитетига табрикнома қабул қилдилар.

(ТАСС).

Илғор тажриба умумлаштирилди

18 январда Тошкентда республикалараро кенгаш очилди. Кенгаш ғўза парваришн ва ҳосилни йиғиб-териб олиш давридаги оммавий-сиёсий иш тажрибасини умумлаштириш ҳамда беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида социалистик мусобақани кенг авж олдириш тўғрисидаги партия кўрсатмалари асосида бу ишларни янада кучайтириш вазифаларига бағишланди. Кенгашда Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон ва Озарбайжон партия ташкилотларининг вакиллари, таниқли механизаторлар, илғор колхозлар, совхозлар ва бригадаларнинг раҳбарлари, бир қанча район партия комитетларининг ҳамда бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари, олимлар, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, матбуот ходимлари қатнашмоқда.

Кенгашни КПСС Марказий Комитетининг «Агитатор» журнали чақирди.

(ЎзТАГ).

БАЛЛ—МУВАФФАҚИЯТ МЕЗОНИ

ТАЖРИБА АДРЕСИ: «ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИ

«Ташсельмаш» заводининг иккинчи механика-йиғув цехига тарқалган янгилик кўплаб ишчилар ўртасида шов-шувга сабаб бўлди. Бу янгилик уч токарга—Болта Қодиров, Бронислава Таранова ва Анастасия Шелухинага тегишли эди.

— Улар кеча 26 баллдан олишибди. Мана буни кўрсаткич деса бўлади! — деб ёш ишчилар шавқ-завқ билан гапиришарди.

— Агар астойдил ҳаракат қилинса, ўттиз балл ҳам тўплаш мумкин, — деб тушунтиришди завод ветеранлари.

Тушки дам олиш вақтида автомат участкасининг коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари — учала тажрибали токарни ўртоқлари меҳнатда эришилган катта муваффақият билан самимий табрикладилар. Бу муваффақият планнинг бажарилиш процентлари билангина ўлчанмаганлигини ҳамма яхши тушунарди. Берилган баллар ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорининга эмас, унинг сифатини, ишчиларнинг ишлаб чиқариш маданиятига, интизомга мунасабатини ҳам жуда аниқ ҳисобга олди.

Хўш иккинчи механика-йиғув цехида қўлланилган меҳнатни балл системасида баҳолаш нимадан иборат?

Бу саволга цех бошлиғи Борис Михайлович Рейхштадт, цех партия ташкилотининг секретари Ғани Зокиров ва цех маҳаллий комитетининг раиси Вениамин Александрович Ғофуров жавоб беришди. Столга қизиқарли янгликнинг моҳиятини дарҳол тушунтириб берувчи журнал қўйилади. Бу янгилик социалистик мусобақанинг ошкора бўлиши тўғрисидаги ғамхўрлик туфайли юзага келган.

Журналнинг дастлабки уч саҳифасида бир кунлик мусобақанинг натижаларини ҳисоблаб чиқиш шартлари ёзилган. Ишлаб чиқариш планининг бажарилиши асосий кўрсаткич ҳисобланади. Агар смена топшириғи юз процент бажарилган бўлса ишчига беш балл берилади. Қўшимча ҳар бир процент учун яна 0,1 баллдан қўшилади. Қўлга киритиш мумкин бўлган энг юқори баҳо 10 баллни ташкил этади. Нормани бажармаганлик учун ноль қўйилади.

Кейинги кўрсаткич-маҳсулот сифати ва технология интизомига қўйилади. Бир кун давомида тайёрланган маҳсулотнинг 95 процента биринчи кўрсатишдаёқ топширилган бўлса, беш балл билан баҳоланади. Деталларга шахсий тамға босиш ҳуқуқини олган ишчиларга саккиз балл қўйилади. Технология интизоми бузилган ҳар бир ҳодиса учун «маҳсулотнинг белгиланган процента биринчи кўрсатишдаёқ топширилган тақдирда ҳам» 0,5 балл олиб ташланади. Брак маҳсулот ишлаб чиқарилган тақдирда ҳеч қандай балл ёзилмайди.

Машинасозлар ишлаб чиқариш маданияти даражасини социалистик мусобақанинг асосий шарти қилиб белгиладилар. Иш жойини озода сақлаганлиги, бутун кун давомида ускуналарга намунали муносабатда бўлганлиги учун ишчи беш балл олади. Иш жойига ва ускуналарга ёмон қараган бўлса ноль қўйилади.

Тўртинчи кўрсаткич ишлаб чиқариш интизоми ва жамоат тартибига қараб қўйилади. Аъло баҳо — беш балл. Ишга кеч қолсанг, цехдан барвақт кетиб қолсанг, мастернинг кўрсатмаларини бажармасанг, ўртоқларинг билан нотўғри муносабатда бўлсанг — қуруқ қоласан.

Ва, ниҳоят хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш. Бунда ҳам смена вақтида тўрт баллни қўлга киритиш мумкин.

Ойида бир марта алоҳида баҳо қўйилади. Булар кундалик баҳоларнинг умумий йиғиндисига қўшилади. Бундай баҳолар тўртта: рационализаторлар ва ихтирочилар ҳаракатида қатнашганлик, ёндош касбларни билиш, сиёсий, умумий таълим, техникавий ва иқтисодий ўқув, ижтимоий ҳаётда қатнашганлик учун баҳо берилади. Биринчи бўлимдаги энг юқори баҳо—саккиз балл иккинчисида—уч балл, учинчи ва тўртинчи бўлимлар бўйича тўрт баллгача баҳо олиши мумкин.

Агар ишчи кундуз куни совет сессиясида, партия комитетининг пленумида қатнашган бўлса-чи? Бундай ҳолларда ўртача кунлик балл чиқариш кўзда тутилган. Сабабсиз ишга чиқмаганлик учун бир ой мобайнида олинган барча баҳолар бекор қилинади.

Балларни мастерлар партия ва касаба союз группа ташкилотчилари билан биргаликда қўйишади. Бу ишни цех партия бюросининг секретари Ғ. Зокиров бошчилик қилаётган махсус умумий цех комиссияси назорат қилиб боради. Цех партия бюросининг секретаридан ташқари бу махсус комиссия составида цех бошлиғи ва цех маҳаллий комитетининг раиси, кекса ишчи М. И. Чуликов ва комсомол бошлиғи Гена Савлинов бор.

Цех маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилоти балл системасини ишлаб чиқишга ижодий ёндошдилар. Балл системасини қўллаш жараёнида практика тақоза этаётган янги-янги тузатишлар киритиб борилади.

Мисол учун якунларни эълон қилиш тартиби ўзгартирилди. Авволлари якунлар ишчиларга молния варақалари орқали маълум қилинар эди. Эндиликда ҳар бир участка учун тегишли графали катта кўрсаткичлар тахтаси тайёрланди. Цех комсомол ташкилоти секретарининг ўринбосари Татьяна Тружникова бошлиқ ёш активлар кўрсаткичлар тахтасини ўз вақтида тўлдириб боришни зиммаларига олишди.

Балл системаси цех ҳаётига алдақачон сингиб кетди. Мусобақа илғорларини балларига қараб аниқлашади. Баллар моддий рағбатлантиришнинг турли фондларини тақсимлашда эътиборга олинади.

Охирги саволни аниқлаш қолди. Мусобақа якунларини ҳисобга олиш янги системасининг муаллифи ким? Энди завод партия комитетининг секретари Соқиржон Тожиев сўз олди.

Партия комитетининг секретари бу коллектив иши эканлигини ҳисобга олиш керак, деб сўзини бошлади Москвадаги турдош заводларнинг тажрибасидан баъзи нарсаларни олдик, «Ташкентқабель» заводида қўлланилаётган ва «Ташсельмаш» заводининг ишчилари жорий этаётган инженер-техник ходимларнинг масъулият коэффициенти ва активлигини аниқлаш системасидан фойдаландик. Янги системани жорий этишда айниқса ғайрат билан киришган иккинчи механика-йиғув цехининг ишчилари балл системасини ижодий ишлаб чиқишга муайян ҳисса қўшдилар.

Албатта, шаблонга йўл қўйиб бўлмайди. Аммо янги системанинг асоси тўғри эканлиги, бу система мусобақа якунларини оператив ҳолда тез чиқариш имконини бериши, мусобақанинг ошкора ва яққол бўлишини ҳамда таққослаш мумкинлигини таъминлай олиши аниқ. Ана шу омиллар КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети,ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йилида халқ хўжалик планларини муддатидан илгари бажариш учун бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарори муносабати билан ҳозирги кунда ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Г. ЛИПШИЦ,
Узбекистон Информация агентлигининг мухбири.

ЧОРВАЧИЛИКНИ ЮКСАЛТИРИШ ҲАМИША ЭЪТИБОРДА БЎЛСИН

Чорвачилик — қишлоқ хўжалигининг кўп меҳнат талаб қиладиган ва мураккаб тармоқларидан биридир. Хўжаликнинг бу соҳаси малакали раҳбарликни, зооветеринария фани тавсияларига қатъий риоя этилишини ишлаб чиқаришга илғор тажрибаларни муттасил жорий эта боришни ва яроқли ерлардан ишнинг кўзини билиб, оқилона фойдаланишни талаб этади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг чорвадорларнинг Бутииттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш ҳақидаги қарори ва КПСС Марказий Комитетя ҳамда СССР Министрлар Советининг омухта озуқа саноати ишини яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги қарори чорвачиликни ривожлантиришда катта роль ўйнайди.

Область колхозлари ва совхозлари партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатмаларини амалга ошира бориб, чорвачиликнинг аҳволини анча яхшиладилар ва ўтган йили давлатга чорвачиликнинг асосий турлари бўйича маҳсулот сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарилишини таъминладилар. Бунда озуқа базаси муҳим роль ўйнади. Область хўжаликларида аввалги йиллардагига қараганда анча кўп дағал хашак жамгарилди, силос ва сенаж бостирилди.

Ҳозир чорвадорлар учун, айниқса, масъулиятли дамлар ҳисобланади. Қишловни соз ўтказиш — маҳсулот мўл-кўлчилигини таъминловчи муҳим омилдир.

Халқ назоратчилари областдаги колхоз ва совхозларда бўлиб, чорва қишлови қандай ўтказилаётганлигини текшириб кўрдилар. Шуниси қувончлики, кўпгина колхозлар ва совхозларда қишловга яхши тайёргарлик кўрилди. Чорва моллари боқиладиган хоналар яхши ремонтдан чиқарилиб, иситиш қурилмалари ўрнатилган. Чорвани озиқлантириш, парвариш қилиш ишлари намунали ташкил этилган. Хўжаликлардаги озуқа цехлари анча тартибга солинган.

Буларнинг ҳаммаси қишловни муваффақиятли ўтказишга ва оқибатда чорвачилик маҳсулотлара етиштиришни кўпайтиришга яхши имконият яратди. Халқ назоратчилари резервларни аниқлаш, имкониятлардан тўла фойдаланишни таъминлаш учун чорвачилик ишига бўлган диққат-эътиборни сира сусайтирмасликлари керак. Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», «Ленин йўли» колхозлари, шу райондаги «Партия XXI съезди» совхозида чорвачиликни ривожлантириш соҳасида қилинаётган ишлар диққатга сазовордир. Бу ишга халқ назоратчилари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ана шу хўжаликлардаги халқ контроли группаларининг раислари С. Жалилов, А. Тўйчиев, Т. Хусанов ўртоқлар чорвачилик фермаларида доимо бўлиб турадилар. Назорат постларининг ишига конкрет ёрдам берадилар. Назорат постлари фақатгина камчиликларни аниқлаш билан чегараланмасдан балки бу камчиликларни тугатишда ҳам актив қатнашмоқдалар.

Лекин шуни ҳам айтиш керакки, райондаги айрим хўжаликларда қишлов намунали ташкил этилган эмас.

Навоий номли колхозда сигирхоналар ва бузоқхоналар истилмайди, антисанитария ҳолатида. Ферма ходимларининг хўжасизлиги туфайли ем-хашакни транспортларга ортиш, ташиб келтириш ва молларга едириш вақтида нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда.

Назоратчилар 1-«Тошкент», «Бўзсув» совхозлари ҳамда Куйбишев номли колхозларда бўлганларида ҳам ана шундай камчиликларни аниқладилар. Шунинг учун ҳам бу хўжаликларда соғин сигирлардан олинаётган сутнинг камайиб кетаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади.

Район халқ контроли комитети текшириш натижаларини муҳокама этди. Камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирлар кўрилди. Лекин бу билан кифояланиб қолмаслик керак. Энг муҳими- камчиликларнинг олдини олиш, жамоат чорвачилигини юритишда хўжасизликка йўл қўймаслик зарур.

Текширишлар натижасида айрим хўжаликларнинг раҳбарлари аралаш озуқа сенаж, силос ва хашаждан тежаб-тергаб ва рационал фойдаланлиши устидан назорат ўрнатмаётганликлари аниқланди.

Хусусан Бўстонлиқ районидаги Карл Маркс номли. Калинин номли колхозларда дағал хашаклар майдаланмасдан ва бутлатилмай молларга берилмоқда.

Бундай аҳволни Оҳангарон районидаги «Октябрь», 2-«Оҳангарон», Бекобод районидаги Навоий номли, «Коммунизм» колхозларида, ҳамда Калинин, Пискент, Юқори Чирчиқ районларидаги айрим хўжаликларда ҳам кўриш мумкин. Оқибатда ем-хашакнинг бир қисми исроф бўлаётир.

Оржоникидзе районида ем-хашакни майдалаб берадиган 11 та техникадан 6 таси. Бўстонлиқ районида 29 та техникадан 15 таси бекор турипти. Кўпгина хўжаликларда ем-хашак цехлари ишламайди. Ана шу сингари камчиликлар ем-хашакларнинг кўплаб нобуд бўлишига олиб келмоқда.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ АМАЛДА

Халқ назоратчилари хўжаликларда бўлганларида мавжуд ем-хашакларни ҳисобга олиб қўйишлари, улардан фойдаланиш қандай йўлга қўйилганлиги билан қизиқишлари керак. Иложи бўлса ем-хашакдан фойдаланишнинг ҳар ойга, ҳар кунга мўлжалланган плани тузиб чиқилиши зарур. Барча хўжаликларда ем-хашакларнинг молларга майдалаб, бутланиб, ҳар хил витаминлар аралаштирилиб едирилишига эътибор бериш керак.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, ем-хашак кам бўлган тақдирда ҳам агар ундан ишнинг кўзини билиб, тежаб-тергаб фойдаланиш тўғрисида гамхўрлик қилинса, чорва қишловидан яхши кўрсаткичлар билан чиқиш, соғин сигирлардан ҳатто кўплаб сут соғиб олиш, кўплаб гўшт етиштириш мумкин. Аксинча, ем-хашак мўлкўл бўлгани билан ундан паланартишлик билан фойдаланилса, нобудгарчиликка йўл қўйилади, кўплаб қисми исроф бўлади. Натижада ўша хўжаликда чорва моллари маҳсулдорлиги ортиш ўрнига пасайиб кетади. Хўжасизлик аянчли аҳволга олиб келади. Халқ назоратчилари ем-хашаклардан фойдаланишда ана шундай тартибсизликларнинг бўлмаслиги учун қатъий кураш олиб боришлари керак.

Айрим хўжаликларда чорвачилик фермаларида санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмайди, эпидемияга қарши кураш тадбирлари қўрилмайди. Ориқ ва касал моллар алоҳида парвариш қилинмайди. Ана шу сингари камчиликлар учун зарур чораларни кўришлари талаб этилади.

Юқори Чирчиқ районидаги Калинин номли «Ўзбекистон», «Ленинобод» колхозларининг фермаларида сигирлар санитария-гигиена талабларига жавоб бермайдиган хоналарда боқилмоқда. Шунинг учун ҳам моллар касалланиб, сут соғиб олиш камайиб кетмоқда. Айниқса, гунажинларнинг нобуд бўлишига йўл қўйилаётир.

Бекобод районидаги Ойбек номли совхоз, 1 ва 4-«Далварзин», «Ленинград», «Октябрь 50 йиллиги» совхозларда ҳам қишловга яхши тайёргарлик кўрилмаганлиги маълум бўлиб қолди. Бу хўжаликларда чорва моллари ремонтдан чиқарилган ва истиш қурилмаларига эга бўлган бинолар билан тўла таъмин этилмаганлигидан молларнинг бир қисми очиқ майдонларда сақланмоқда. Уларда ем-хашакдан фойдаланиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Ҳисоб-китоб ишлари талабга жавоб бермайди. Шунинг учун ҳам бу ва бошқа районларда ҳар бош соғин сигирдан соғиб олинадиган сутнинг ўртача кўрсаткичи область даражасидан анча паст эканлиги табиий ҳолдир.

Халқ контроли комитетлари, группа ва постлар касаба союзлари, комсомол ташкилотлари ва маҳаллий советларининг депутатлари ҳамда қишлоқ хўжалигини мутахассислари билан доимий ҳамкорликда иш олиб боришлари, ҳар бир совхоз, колхоз, бригада, ферма ва бўлимларда чорва қишлови қандай ўтаётганлигини кундалик назорат қилиб боришлари, чорвачиликдаги аҳволни чуқур ва ҳар тарафлама таҳлил этишлари, аниқланган камчиликларни тугатишда партия ташкилотларига ёрдам беришлари лозим.

СССР халқ контроли комитети яқинда Чорва қишловининг борили ем-хашакдан фойдаланиш ва уни сақлаш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва харид қилиш планларини бажарилишининг боришини оммавий назоратдан ўтказиш ҳақида қарор қабул қилди.

Ана шу муносабат билан халқ контроли комитетлари, группа ва постлар зарур тадбирларни амалга оширишлари керак. Назорат ишлари йўлга қўйилганда асосий эътиборни ҳар бир колхоз, совхоз, бригада ва ферма бўйича КПСС Марказий Комитетининг чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш бўйича тадбирлари асосида ишлаб чиқилган кўрсатмалар қандай бажарилаётганлигига, чорва маҳсулотларини кўпайтириш ва унинг таннархини арзонлаштириш, чорва моллари туёғининг тўла сақланишига қаратиш керак. Назоратчилар хўжаликларнинг фермаларидаги машина ва механизмлардан тўла ва унумли фойдаланиш, санитария қоидаларига қатъий риоя қилиниши, фермаларнинг малакали кадрлар ва механизаторлар билан мустаҳкамланиши, уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур шароитларни яратиб берилиши билан ҳам қизиқиб борсинлар.

Текшириш якунлари халқ контроли комитети ва группаларининг мажлисларида коллектив ўртасида муҳокама қилиниши, ана шу муҳокама давомида айтилган фикр ва мулоҳазалар ҳисобга олиниши зарур. Кўрилаётган тадбирлар ва уларнинг самарадорлиги тўғрисида партия ва совет органларига ахборот бериб туриш керак.

Қишлов — чорвадор учун синов даври. Қишловнинг соз ўтказилиши 1973 йилда гўшт, сут, тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан белгиланган тадбирларнинг муваффақиятли бажарилишида катта роль ўйнайди. Халқ назоратчилари буни унутмасликлари керак.

Е. КИРИЛИН.
область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

Амина Эгамовани Янгийўл пойафзал фабрикасида яхши танишади. Бичиш цехининг бу илғор ишчиси смена топшириқларини бир ярим баравар ошириб бажаради. Ҳар ойда кўплаб хом ашё иқтисод қилади.

А. ТЎРАЕВ фотоси.

ЯНГИ ФАБРИКА ҚУРИЛИШИДА

Пойтахтимизнинг «Октябрь» массивида кейинги уч-тўрт йил ичида катта ўзгаришлар содир бўлди. Минг ўринли мактаб, янги поликлиника, болалар боғчалари ва кўплаб турар-жой бинолари бунёд этилди. Айни кунларда массивда «Главташкентстрой» га қарашли 6- трестнинг 33-қурилиш бошқармаси бинокорлари миллий музика асбоблари фабрикаси қурилишини тезкорлик билан олиб бормоқдалар.

— Фабрика қурилиши 1972 йилнинг май ойида бошланган эди, — дейди участка бошлиғи Владимир Назин. — Иш ўзаро социалистик мусобақа асосида ташкил қилинганлиги сабабли талайгина муваффақиятлар қўлга киритилди. Бунда Николай Городинчев бошлиқ бригада қурувчилари ҳиссаси катта. Янги бино уч қаватли бўлиб, ҳозир иккинчи қавати қуриб битказилипти.

Ўтган йили бу иноқ коллектив яхши натижаларни қўлга киритди. Йиллик план муддатидан илгари адо этилиб, 30 кубометр пахта иқтисод қилинди. Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йилида янада самарали ишлаётган бунёдкорлар дастлабки ойларда 85 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Шу боисдан Геннадий Беланов, Валентина Капилина, Александр Маслов каби илғорлар кунлик нормаларини 130—150 процентга етказиб бажармоқдалар. Қувончлиси шуки, бригада ёшлари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда турли олий ўқув юртларида ҳам ўқимоқдалар.

М. ҚАЮМОВ.

Республикамизнинг йирик иссиқлиқ электр станцияларидан бири бўлган Ангрен ГРЭСи тобора кўплаб киловатт-соат электр қуввати ишлаб чиқармоқда. Суратда: станциянинг машина зали.

И. ГЛАУБЕРЗОН ва В. СИРОТКИН фотоси.

МАДАНИЯТ ХРОНИКАСИ

ПОЙТАХТНИНГ Октябрь районидаги Алишер Навоий номли маданият уйи меҳнаткашларнинг севимли жойига айланган. Бу ерда ўнга яқин тўгарак ва курслар ишлаб турибди.

Яқинда бичиш-тикиш курсини бир группа чевар битириб чиқди. Улар орасида Юқори Чирчиқ, Янгийўл районларидан келиб, касб ўрганган аёллар ҳам бор.

Г. ЖУРАЕВА.

ЯҚИНДА республика фармацевтларининг навбатдаги илмий конференцияси бўлиб ўтди. Бу илмий йиғинда республикамиздаги барча областлардан, шунингдек, Туркманистон республикаси, Пятигорск ва Перьм шаҳарларидан ҳам олимлар қатнашдилар.

Конференция ўз ишини бешта секция бўйича олиб борди.

М. МИРЗАШАРИПОВ.

ОҚҚЎРҒОНДАГИ «Озод» колхозига қарашли болалар боғчасидан ота-оналар мамнун. Бу ерда кичкинтойлар билан қизиқарли машғулотлар олиб борилмоқда. Бунда тарбиячилардан Х. Хасанова, М. Болтабоева, З. Бекмуродоваларнинг ҳиссалари каттадир.

Моҳир тарбиячи Ҳ. Ортиқова мудир бўлган бу боғчада методик хона ҳам ишлаб турибди.

С. БОЛТАБОЕВА.

БЎСТОНЛИҚ районидаги 18-ўрта мактабда музей ташкил этилди. Музей экспонатларини бойитишга юқори синф ўқувчилари муносиб ҳисса қўшдилар.

Музей бир неча бўлимдан иборат. Айниқса, «Ўлкамиз революцияга қадар» деган бўлим материаллари томошабинлар эътиборини ўзига тортмоқда.

Ф. НУРМАТОВ.

ЧИЛОНЗОР районидаги 10-поликлиникада савол-жавоб кечалари мунтазам ўтказилиб турибди. Бош врач ўртоқ Х. Мамедов ташаббуси билан маҳаллаларда ҳам шундай тадбирлар амалга оширилмоқда.

«Тинчлик», «Москва» маҳаллаларида ўтказилган савол-жавоб кечаларига врач-терапевт Р. Мирқосимова, невропатолог Ш. Алиев, врач Р. Султонова-лар қатнашиб, турли касалликларнинг олдини олиш юзасидан қизиқарли лекциялар ўқидилар.

К. ЦАТУРОВ.

РЕСПУБЛИКАМИЗДАГИ нашриётлар кўплаб адабиётларни босмадан чиқардилар. Олим Ш. Зокировнинг «Ўзбекистон саноатини жойлаштиришнинг рационал проблемалари» деган монографияси ҳам китобхонларга манзур бўлди. «Фан» нашриёти томонидан босилган бу китобда халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган қатор масалалар ўз ифодасини топди.

Шунингдек, «Электрон микроскопия бўйича атлас» деган китоб ҳам чоп этилди. Бу илмий асар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси К. Зуфаров раҳбарлигида нашрга тайёрланди. «Ўзбекистон» нашриёти эса А. Хасановнинг «Ламмикор ерларнинг шароитларига қараб дон етиштириш» номли китобини тақдим этди.

Е. КАСАКОВ, В. ЗИНИН, О. ФАРМОНОВ.

САЛОМАТЛИК ПОСБОНИ

Врачлик қандай шарафли касб. Унинг қўлида не-не одамлар шифо топиб, хасталикдан қизғин ҳаёт қучоғига қайтади. Бундай саломатлик посбонларига халқимиз миннатдорчилик билдириб:

— Умрингиздан барака топинг, иқболингиз, обрў-эътборингиз янада баланд бўлсин, — дейди.

Ана шундай эл ҳурматига сазовор бўлаётганлардан бири, ҳурматли отахонимиз, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Оқилхон Шарофиддиновнинг тўнғич ўғли, Оржоникидзе районидаги Киров қишлоқ шифохонасининг врачи Ориф Оқиловдир.

33 йилдирки, Ориф ака кишилар саломатлиги йўлида хизмат қилади. Врачнинг ҳар куни макташга, эъзозлашга арзийдиган воқеаларга бой. Мана шулардан бири.

...Шу йилнинг 3 январь куни кечаси кимдир Ориф аканинг эшигини тақиллатиб қолди. Врач тезлик билан дарвоза томон отилди. Ташқарида ташвишдан ранглари оқариб кетган Мурод исмли йигит турарди.

— Ориф ака, зудлик билан уйимизга бормасангиз бўлмайди. Укам, Олимнинг юраги ёмон безовта қиляпти, — деди хазин оҳангда.

Шифохона Ориф аканинг уйи ёнида эмасми, дарҳол навбатчи машинага минди. Ёнига медицина фельдшери Тожибой Ғаниевни олган ҳолда Олим Қаюмовларникига шошилди.

Улар етиб келишганида ҳақиқатан ҳам беморнинг аҳволи танг эди, фельдшер кўмагида зарурий дори-дармонлар берилиб, укол қилинди. Орадан бироз ўтгач, беморнинг аҳволида ўзгариш сезилабошлади. Эртасигаёқ бемор шифохонага ёқиндирилди.

Ориф ака дамба-дам унинг ҳолидан хабар олиб турди. Натижада йигитнинг саломатлиги яхшиланиб, қадимги аслига қайтди.

Меҳнаткаш врачнинг иш жараёнида бундай ҳаяжонли дамлар деярлик ҳар куни учраб туради. У беморнинг аҳволида ўзгариш билмагунча тиниб-тинчимайди.

Киров номли колхозда истиқомат қилувчи Ҳалима Қурбонова, Қумри Мўминова, Утбосар Шоматов сингари пенсионерлар, Арофат Рихсиева, Тўлаган Бегалиев каби колхозчилар ҳам ўз дардларига Ориф ака қўлидан даво топдилар.

...1941 йилда ТошМИнинг даволаш факультетини тугаллаган Ориф Оқилов Улуғ Ватан урушининг оловли йилларида ҳаракатдаги армия билан бир сафда бориб, жангчилар саломатлигига қўриқчилик қилди. У Москвадан Берлингача бўлган жанг йўлини босиб ўтди.

Ориф аканинг кўксини «Қизил юлдуз», «Иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши» орденлари, «Варшавани озод қилганлиги учун», «Берлинни олганлиги учун» медаллари безаб турибди. 25 йилдирки Ориф ака Оржоникидзе районидаги Киров қишлоқ шифохонасининг врачи. У «СССР соғлиқни сақлаш аълочиси», моҳир врач терапевтдир.

Узининг беминнат хизмати билан эл-юрт ҳурматини қозонаётган Ориф Оқиловга сиҳат-саломатлик тилаб, «шифокор қўлингиз асло толмасин» деймиз.

Ҳ. МУҚИМОВ.



Бу корхона чеварлари беш йилликнинг учинчи ҳал қилувчи йилида юксак мажбуриятлар олиб ишлашяпти. Қўли гул чеварлар йил охиригача пландан ташқари 128 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаб чиқариш ниятидалар. Суратда: бадиий буюмлар фабрикасининг илғор чеварлари М. Назарбоева ва М. Ғуломова.

Ж. ТЎРАЕВ фотоси.

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

(ОБЛАСТЬ МАҲАЛЛИЙ САНОАТ ХОДИМЛАРИНИНГ АКТИВИДАН)

Янги беш йилликнинг бошиданоқ маҳаллий саноат ходимлари самарали иш бошлаб, ойлик, ҳчвартал, йиллик планларини мунтазам ортиги билан бажариб келмоқдалар. Ўтган йилнинг ўзида аҳолига пландан ташқари 400 минг сўмлик халқ истеъмол товарлари реализация қилинди. Ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини кенг жорий қилиниши, саноат ходимлари: ишчилар, хизматчилар, инженер-техник ходимлар ўртасида ижодий активликнинг ошириліши, социалистик мусобақани кенг қулоч ёйиши туфайли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг деярли барча тармоқлари бўйича қувончли натижаларга эришилди.

Яқинда бўлиб ўтган область маҳаллий саноат ходимларининг активида ана шу ютуқлар ва янги йил режалари тўғрисида тўхтаб ўтилди. Бу йиғилишда область маҳаллий саноат бошқармасининг бошлиғи Собиржон Муталов «1972 йил иш якунлари ва 1973 йил режалари тўғрисида» доклад қилди.

Ўтган йили маҳаллий саноатчилар 10 миллион сўмликдан зиёд тикув маҳсулотлари, 4296 тонна ип газлама, 147,5 тонна кондитер маҳсулотлари, 143 минг сўмлик сувенир, 2,5 миллион сўмлик маданий-маиший ва рўзғор буюмлари, 425 минг сўмлик галантерея маҳсулотлари, 803 минг сўмлик тўқимачилик—галантерея буюмлари ишлаб чиқардилар, 1971 йилдагига қараганда 3.530 минг сўмлик кўп товар сотилди. Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда Калинин район хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш фабрикаси, Ўрта Чирчиқ пахтани қайта ишлаш фабрикаси, Оржоникидзе районидаги хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш фабрикаси коллективлари намуна кўрсатдилар. Кўп ва сифатли маҳсулот бергани учун Олмалиқ тикувчилик фабрикаси коллективи Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва касаба союзлари республика советининг юбилей дипломи билан тақдирланди. Саноат корхоналари орасида шунга ўхшаш шарафли мукофотларга сазовор бўлганлар анчагина. Бу албатта, маҳаллий саноатчиларнинг уюшқоқлик билан меҳнат қилаётганликларидан далолат беради. Беш йилликнинг иккинчи йили давомида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пландаги 5 ўрнига 28 янги тури ўзлаштирилди.

Лекин областдаги барча маҳаллий саноат корхоналари иши тўғрисида ҳам ижобий фикр айтиб бўлмайди. Областда асосий маҳсулотнинг саккиз тури бўйича йиллик план бажарилмади. Қатор корхоналарда эса иш ҳақи фондидан фойдаланишга риоя қилинмади. Айниқса, капитал қурилиш планининг бажарилишида жиддий нуқсонларга йўл қўйилди. Бу борадаги план бор-йўғи 67,5 процент бажарилди. Паркент тикув фабрикаси ишга тушмади, шунингдек Оққўрғон тўқимачилик-галантерея фабрикаси учун қурилаётган турар жойлар фойдаланишга топширилмади. Жой-жойларда маҳаллий хомашё ва маҳаллий саноат чиқиндиларидан тайёрланадиган буюмлар ишлаб чиқаришга етарли эътибор берилмаяпти. Хусусан, ўтган йили бундай маҳсулотлар ҳажми умумий ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан 4,5 процентни ташкил этди.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати давлат стандарти талабига тўла жавоб бермаяпти. 1972 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга 19 ташкилотдан норозилик хати келди. Айниқса, Оққўрғон тўқимачилик-галантерея фабрикаси, Ўрта Чирчиқ тикув фабрикаси маҳсулотларига норозилик ортиб бормоқда.

Докладчи ва доклад юзасидан сўзга чиққан ўртоқлар беш йилликнинг ҳал қилувчи йилида камчиликларни бартафар этиш ва 1973 йил мажбуриятини шараф билан бажариш юзасидан анча диққатга сазовор таклифлар киритдилар.

1973 йилда аҳолига пландан ташқари 430 минг сўмлик халқ истеъмол товарлари реализация қилинади. Янги технологиядан кенг фойдаланиш ҳисобига меҳнат унумдорлиги 3 процент ўсади, 60 минг сўмлик хом ашё, 30 минг киловатт-соат электр энергия тежалади. Кадрлар малакасини оширишга эътибор кучайтирилади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулот турлари кўпаяди. Янги йилда капитал қурилиш соҳасида ҳам анчагина ишлар амалга оширилади. Хусусан, Бекободда кроват заводи фойдаланишга топширилади. Паркент тикув фабрикаси ишга тушади. Айрим маҳаллий саноат корхоналарини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади. Маҳаллий саноатчилар турмуш шароитини яхшилашга эътибор берилади.

Область маҳаллий саноатини равнақ эттиришга бағишланган бу йиғилишда область совети ижроия комитетининг раиси С. А. Асомов, касаба союзлари маҳаллий саноат, коммунал хўжалик, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш область комитети раиси М. И. Камолова ўртоқлар иштирок этдилар ва маҳаллий саноатни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

С. ҲАСАНОВ.

ХЎЖАЛИК ЮКСАЛИШДА

Оққўрғондаги Карл Маркс номли колхознинг кейинги уч йиллик ишини кўздан кечирган киши пахтачилик, чорвачилик соҳасида жиддий ўзгаришлар юз бераётганини кўради. 1970 йилда бу колхозда ҳар гектар ердан 22,3 центнердан ҳосил олинган бўлса, бултур эса ҳосилдорлик 29,2 центнерга кўтарилди.

Илғор бригада ва звеноларнинг иш натижалари яна ҳам қувончли бўлди. Ирисбой Тўймачев бошлиқ звенода ҳосилдорлик 40 центнерга, Абдулла Бўронбоев, Абди Ҳакимов бошлиқ звеноларда 36 центнерга етди. Исмат Бекинбоев бошлиқ бригада аъзолари 147 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 22 ўрнига 37 центнердан ҳосил йиғиб олдилар. Ҳосилдорлик планга нисбатан 15 центнер кўтарилди. Шунинг учун Исмат Бекинбоев «Запорожец» енгил машина билан мукофотланди.

Илғорларнинг иш натижалари бу колхозда ҳам юқори ҳосил етиштириш учун катта имкониятлар борлигини яққол кўрсатди. Албатта, юқори ҳосил етиштириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун қанча-қанча агротехника тадбирларини амалга ошириш, тўла гектарлар ҳосил қилиш, ерларнинг мелиоратив аҳволини яҳшилаш мақсадида зовурни тозалаш, янги зовурлар қазиш, янги ерларни ўзлаштириш, кадрларни саралаш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ҳар бир ишни сифатли бажариш учун курашишга тўғри келди.

Ўтган йили 15 километр узунликда зовур қазилди, 39 гектар фойдаланилмай ётган ер ўзлаштирилиб экин майдонига қўшилди.

Айниқса, ишнинг сифатли бажарилиши устидан қаттиқ контроллик олиб борилди. Механизаторлар, колхозчилар сифатли ишлаганликлари учун моддий жиҳатдан рағбатлантириб турилди. Масалан, пешқадам сувчиларга ҳар гектарига ойлигидан ташқари 1 сўмдан қўшимча ҳақ, колхозчиларга эса 25 процентдан қўшимча ҳақ тўлаб борилди. Топширилган ишни ўз вақтида бажармаган, наридан бери қўл учида сифатсиз ишлаган кишиларга эса ҳақ тўламаслик, ишларини бракка чиқариш тартиби ўрнатилди. Ҳар бир иш даланинг ўзида махсус тайинланган кишилар томонидан текшириб қабул қилиб борилди. Бу тадбир ёз давомида қилинган барча турдаги ишларни сифатли бажарилишини таъминлади. Шулар ва шу каби бир қатор тадбирлар ҳосилдорликни оширишда ижобий роль ўйнади.

Бу колхозда чорвачилик иши ҳам кўнгилдагидек эмас, 1970 йилда ҳар бир сигирдан ўрта ҳисобда 800 литр сут соғиб олинган эди. Кейинги икки йил мобайнида бу соҳада ҳам силжиш бошланди. Агар 1971 йили ҳар сигирдан соғиб олинган сут 1600 литрданга етган бўлса, бултур 2258 литрдан сут соғилди. Ўтган йили колхоз чорвадорлари ҳар сигирдан соғиб олинадиган сутни 2600 литрга етказдилар.

— Пахта ҳосилдорлиги колхозимизда пландагига нисбатан 8,5 центнер ошди. Лекин бу бизни қаноатлантирмайди,— дейди колхоз раиси Тўхтамурод Исломов. — Чунки ҳали бу соҳада район даражасидан ҳам орқадамиз. Шунинг учун колхозчиларимиз бу йил ҳосилдорликни 35 центнерга етказиш мажбуриятини олдилар. Шу мақсадда бу йил барча майдонларга «Тошкент-3» навли чигит экилади. 780 гектар ерга 90—20 схемасида чигит экиш планлаштирилди. Ерларнинг мелиоратив аҳволини яхшилаш мақсадида 15 километр узунликда зовур қазилади. 140 гектар кам ҳосилли ерга 20 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Далага гўнг чиқариш учун махсус бригада тузилди.

Бу колхозда юз берган кейинги йиллардаги ўзгаришлар, олдинга қараб қилинаётган ҳаракатлар, агротехника тадбирлари ва ташкилий ишлар ҳаммаси хурсанд қилмоқда. Лекин бу хўжаликда ишни янада ривожлантириш, ҳосилдорликни ошириш учун зарур бўлган ҳамма проблемалар тўла ҳал қилинган деб бўлмайди. Колхозда 250 гектар ерни сув билан таъминлайдиган Бабалак ариғи бор. Мана шу ариқ Облводхоз томонидан қанча маблағ сарфланиб тузатилди. Колхозчилар бундан жуда ҳурсанд бўлишган эди. Бироқ, ғўза суғораладиган пайтда Бабалак ариғидан сув тескари оқа бошлади. Шундай қилиб, Бабалак ариғи бузиб ташланди. Ғўзани эса зовур сувларини тўсиб суғорилмоқда. Бу ерларнинг мелиоратив аҳволини яна ёмонлаштириб юборишга олиб келмоқда.

Колхоз механизаторлари барча техника воситаларини жадал ремонт қилмоқдалар. Абдулла Бўронбоев, Ирисбой Туймочев, Ҳодир Собиров, Ислом Бекмурадов сингари механизаторлар техника ремонтида намунали меҳнат қилдилар. Шу туфайли 12 ҳайдов, 18 та чопиқ трактори, 10 та сеялка, 8 чизил ва бошқалар ремонтдан чиқариб қўйилди. Механизаторлар қолган техника воситаларини январь ойида тўла ремонтдан чиқариш учун курашмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ.

ОҚҚЎРҒОН районидаги «Ўзсельхозтехника» бирлашмасида техника ремонти қизғин давом этмоқда. Техника ремонтида 20 йилдан бери шу даргоҳда хизмат қилаётган слесарь Леонид Расков кўпларга намуна бўлмоқда.

Х. Аввалов фотоси.

ҚУВОНЧЛИ РАҚАМЛАР

Бўстонлиқ районидаги Жданов номли колхоз деҳқонлари ўтган йилни катта муваффақиятлар билан якунладилар. Сабзавот, полиз экинларидан мўл ҳосил етиштириб, зиммага олган социалистик мажбурият ортиғи билан бажарилди. Чирчиқ, Ғазалкент шаҳарларининг меҳнаткашларига жуда кўп миқдорда сабзавот етказиб берилди.

Юбилей йилида колхоз чорвадорлари ҳам ёмон ишлашмади. Ҳар бир кундан самарали фойдаланиб, чорва моллар туёғини кўпайтирдилар, маҳсулдорлигини оширдилар. Айниқса чорва озуқасини жамғаришда катта ютуқлар қўлга киритилди. Аввалги йилларга нисбатан қарийб бир ярим баравардан кўпроқ озуқа жамғарилди.

Шу сабабли маҳсулот етиштириш кўпайди. Соғин сигирлардан сут соғиб олишда чорвадорлар фидокорона меҳнат қилдилар. Бу эса сут булоғини кўпайтириб мажбуриятни ортиғи билан бажарилишига сабаб бўлди. 260 ўрнига 331,5 тонна серқаймоқ сут топширилиб, план 127 процент қилиб адо этилди. Бўрдоқичиларнинг ишларини ҳам алоҳида қайд қилиш керак. Улар қорамоллар боқувини яхшилаганликлари сабабли ғўштга топширган ҳар бир молнинг тирик вазни ўртача 320 килограммга етди. Шундай қилиб колхоз 118 тонна ғўшт сотиб бу соҳадаги топшириқни ҳам муваффақиятли адо этди.

Хўжаликда жун қирқиб олиш, тухум тайёрлаш соҳасида берилган давлат планлари ҳам қарийб бир ярим баравар қилиб бажарилди.

Колхозчилар юбилей йилида эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, кўкламга тайёргарлик кўришни қизитиб юбордилар. Далага ўғит ташиб чиқариш, ирригация шохобчаларини тартибга солиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Молларни қишловдан семиз ва соғлом олиб чиқиш учун барча чора ва тадбирлар амалга оширилмоқда.

ОЛИМЛАР ЛАБОРАТОРИЯСИДА

БАРГЛАРДАН ЛАКЛАР

Газетамизнинг ўтган йилги 28 ноябрь сонида техника фанлари кандидати З. Усмоновнинг ўрмон, экинзор, шаҳар кўчалари ва майдонларида тўпланиб, одатда ёқиб юборилиадиган хилма-хил ўсимлик чиқиндиларидан лак-бўёқ ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкинлиги ҳақидаги мақоласи босилиб чиққан эди. Бу янгилик газетхонларда бирмунча қизиқиш туғдирган. Улар бу ҳақда батафсилроқ маълумот олиш истагини билдиришган. Қуйида биз газетхонлар илтимосини қондирамиз.

Олимларнинг берган маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда дарахтлар ва уларнинг чиқиндиларидан фойдаланиб тайёрланаётган хилма-хил хом ашё ва тайёр материалларнинг сони 20 мингга етади. Буларнинг 500 хили механик йўл билан тайёрланса, қолган ҳаммаси кимёвий усуллар билан қайта ишлаш натижасида ишлаб чиқарилади.

Аммо шунга қарамай, ҳали ҳам бекорга йўқ бўлиб кетаётган дарахт ва экинларнинг чиқиндилари жуда кўплаб топилади. Ўрмонлар, дала ва боғлар, ниҳёбон ва кўчаларда ўсадиган дарахт ва экинларнинг илдиз ва барглари, ёввойи ўтлар одатда ёқиб юборилади. Бу, бир томондан, атрофдаги ҳавонинг софлигини анча бузади. Иккинчи томондан, хилма-хил зарарли хашаротларнинг кўпайишига сабаб бўлади. Айтайлик, ғўзапоя-ларнинг далада чириб кетиши вилт касаллигига қарши курашда салбий таъсир кўрсатади.

Биз ана шу каби чиқиндиларни оддий усул билан қайта ишлаб, уларни тўла полимерларга айлантириш мумкинлигини илмий жиҳатдан исботлаб берган эдик. Кейинги йилларда мазкур илмий хулосаларга асосланиб, қишлоқ хўжалиги экинлари чиқиндиларини тўғридан-тўғри халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулотларга айлантириш устида муайян тадқиқотлар олиб борилди. Дарахт ва экинлардан чиққан барг чиқиндиларини лак-бўёқ тайёрлашда пигмент ва тўлдирувчилар сифатида ишлатиб, шу орқали табиий минералларни, металл оксидларини талай миқдорда иқтисод қилиш мумкинлиги ҳақида аввал ёзган эдик.

Маълумки, тўлдирувчилар бўёқларнинг қимматли таркибий қисми ҳисобланмайди. Бундай тўлдирувчилар одатда ёпиштирувчи полимерларни иқтисод қилиш мақсадида қўлланилади. Кейинги тадқиқотларда шу нарса маълум бўлиб қолдики, ўсимлик чиқиндиларини, яъни дарахт ва экинларнинг барглари лак-бўёқ саноатида пигмент ва тўлдирувчилар сифатидагина эмас, балки тўғридан-тўғри ёпиштирувчи полимерлар сифатида ҳам ишлатиш мумкин экан.

Бунинг учун чиқиндига чиқарилган барглар ун ҳолига келтириб, маълум моддалар билан аралаштириб, бўялмоқчи бўлган материалларнинг юзларига суриладилар. Аввалига барглардан тайёрланган лаклар хирароқ тусда кўринади. Аммо маълум бир давр ўтиши билан улар тиниқлашиб, ғадир-будирлиги йўқолади. Бундай лак билан бўялган материаллар одатдаги лак билан бўялгандек бўлади, у қуёш радиациясига яхши таъсир бериб ранги айнимайди.

Демак, турли хил ўсимлик чиқиндиларидан лак-бўёқ саноатида фақат пигмент ёки тўлдирувчи сифатидагина эмас, балки юқори сифатли боғловчи полимер сифатида ҳам фойдаланиш имкони туғилди.

З. УСМОНОВ,
техника фанлари кандидати.

ШАҲАР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Чирчиқ шаҳри аҳолисини гўзаллик шайдолари деса бўлади. Бу ерда кўча-куйларга, боғ-ниҳёбонларга дарахт кўчатлари экилиб, гулзорлар ташкил этилмоқда. Шаҳардаги янги ниҳёбон қўқаламзорлаштирилиб, ўн гектарга кенгайтирилмоқда, 60 гектарни эгаллаб турган бу майдон беш йиллик охирига бориб 100 гектарни ташкил этади. Мевали боғлар икки баравар кўпаяди. 70 гектарли питомник—комбинат хўжалигида 20 мингдан ортиқ гул ва 160 минг туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади. Келгуси баҳорда шаҳар аҳолисини гулли ва мевали дарахт кўчатлари билан таъминлаш мақсадида бу боққа мингдаб туп манзарали ва мевали дарахтлар ўтқазилади.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ХИНДИ-ХИТОЙДАГИ ЖАНГЛАР

ПАРИЖ, 17 январь. (ТАСС). Жанубий Вьетнам ватанпарварлари ўтган кунлар ичида уруш ҳаракатлари давом этаётган шимолий секторда, марказий ясси тоғликда ва Сайгонга туташган районда қўғирчоқ армия қўшинларининг позицияларига бир неча марта қаттиқ зарба бердилар.

Куангчи вилояти яна шиддатли жанглар майдонига айланди. У ерда Жанубий Вьетнам Халқ Озодлик Қуролли кучларининг бўлинмалари Вилоят марказидан шимолроқда Сайгон қўшинларининг истеҳкомларига тўп ва миномет ўқи ёғдирдилар. Душман қўшинларига катта талафот етказилди ва талайгина техникаси шикастлантирилди.

Американинг Данангдаги энг йирик авиация базасига бугун жуда кўп ракета ёғдирилди. Америка ҳарбий қўмондонлиги вакилининг тан олишича, «бир неча самолёт сафдан чиқарилган». Самолётларнинг учиш ва қўниш майдончаси жиддий шикастланган.

Жанубий Вьетнам Халқ Озодлик Қуролли кучларининг бўлинмалари Камбоджа чегарасига яқин жойлашган Диккодан 3 километр чамаси нарида қўғирчоқ қўшинларнинг таянч пунктига, шунингдек Плейкудан Сайгон пиёдаларининг мустаҳкамланган районига бир неча марта ҳужум қилдилар.

Ватанпарварларнинг отряди бугун кечаси Сайгондан 30 километр чамаси шимолроқда душман қўшинлари жойлашган позицияларга шиддатли ҳужум қилиб, Жанубий Вьетнам пойтахтини Бьенхоа вилоятининг маркази билан боғлайдиган муҳим магистралдаги кўприкни портлатдилар.

ХАНОЙ, 17 январь. (ТАСС). Ватанпарварлар 14 ва 15 январь кунлари Куангчи вилоятидаги Лонгхинг ва Тхантео аҳоли пунктлари атрофида қўғирчоқ армия пиёдаларининг позицияларига шиддатли ҳужум қилган чоқда душманнинг 200 дан ортиқ солдат ва офицерини сафдан чиқардилар, 7 та артиллерия тўпини яксон қилдилар. Американинг икки самолётини уриб туширдилар.

Озодлик матбуот агентлиги ана шуни хабар қилиб, ватанпарвар кучлар 13 январда Куангчи вилоятида шу вилоят маркази яқинидаги 128-тепалик районига бораётган душман автоколоннаси қўлга туширганлигини таъкидлайди. Халқ Озодлик Қуролли кучларининг жангчилари қўққисдан зарба бериб, ўқ-дори ва ҳарбий аслаҳа-анжом ортилган 10 та автомашинани яксон қилдилар. Ватанпарварлар душманнинг 2 вертолётини уриб туширдилар.

Тўла бўлмаган маълумотларга кўра, Лаос Халқ Озодлик Армиясининг жангчилари Салафукун яқинидаги 13-йўлда январь ойининг дастлабки 10 куни ичида душманнинг 400 дан кўпроқ солдат ва офицерини сафдан чиқарганлар, Американинг 7 самолётини уриб туширганлар, 43 автомашинани, шу жумладан бир неча бронетранспортёрни мажақлаб ташлаганлар, ўқ-дори омборини портлатганлар.

Каосан Патет Лао агентлигининг хабар беришича, январь ойининг ўрталарида Америка авиациясининг кўрган жами талафоти 2.473 самолётни ташкил этди.

БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ

ВАРШАВА, 17 январь. Халқ Польшаси Совет Армияси ва Польша армияси қисмлари Варшавани гитлерчи босқинчилардан озод этган кунининг 28 йиллигини тантаналарнишонламоқда. Тантаналарда қатнашиш учун саноат корхоналари, шахталар ва қурилишларнинг илғорлари, шунингдек шаҳарни қайта тиклашда иштирок этган ветеранлар пойтахтга келишди.

Варшава озод этилганлигининг байрами арафасида Варшавадаги маданият ва фан саройининг конгресслар залида шонли йилликка бағишланган тантанали концерт бўлиб ўтди. Концертда партия, давлат ва жамоат арбоблари, тантаналарда қатнашиш учун Варшавага келган саноат корхоналари коллективларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари ҳозир бўлишди.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БЎЙЛАБ

ЎН УЧИНЧИ МАВСУМ

Бухоро халқ филармонияси пахта тозалаш заводининг ишчилари ва инженерлари билан учрашиб, ўзининг янги, ўн учинчи мавсумини бошлади. Шу куни завод клубида қардош республикалар композиторларининг асарлари янгради.

Бошланган мавсумнинг программаси хилма-хилдир. Бунда ватанимиз халқларининг музикасига кенг ўрин берилган. «Рус музикасининг юбилей саҳифалари» деган концерт лекция атоқли рус композитори С. Рахманинов туғилган куннинг юз йиллигига бағишланади.

Халқ филармонияси саноат корхоналарининг коллективлари, винокорлар, пахтакорлар ва чорвадорлар билан ўтказадиган учрашувларнинг мавзулари »Музика оламига саёҳат», «Санъат — халқники» деб аталади.

Халқ филармонияси ҳозирги кунда юздан кўпроқ кишини бирлаштириб турибди. Булар орасида маҳаллий музика мактабларининг ўқитувчилари, артистлар, санъат ҳаваскорлари бор. Қоракўл заводи, пиллакашлик фабрикасининг клублари. Бухоро ип-газлама комбинатининг, Аму-Бухоро машина каналининг қурилиш майдончаларида бир неча бор филармониянинг саҳнаси ва томоша зали бўлган.

Музика-эстетика билимлари халқ университети, область болалар кутубхонасида ташкил қилинган «Музика соати» клуби ана шу оммабоп ижодий ҳаваскорлар коллективининг йўлдоши ва ёрдамчиларига айланди.

А. ФОЗИЛОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ҚИШЛОҚДА МУЗИКА МАКТАБЛАРИ

Верхневольск посёлкасида—Мирзачўлдаги «Қизил октябрь» колхозининг марказий қўрғонида музика мактаби очилди. Қишлоқ болаларидан 50 киши фортепьяно ва баян синфларида шуғуллана бошлади. Мактаб учун колхоз қишлоғидаги энг яхши биноларидан бири берилди.

Ержар посёлкасида, энергетикларнинг навқирон Ширин шаҳрида болалар музика мактаблари ўзининг биринчи ўқув йилини бошлади. Ҳозирги вақтда Сирдарё областининг шаҳарларида, ишчи посёлкалари ва қишлоқларида жами ўнта музика мактаби ишлаб турибди. Бу мактабларда икки мингга яқин бола таълим олмоқда. Шу беш йилликнинг охирига бориб қўрқ ўлкада бундай мактаблар икки баравар кўпаяди.

В. ДМИТРИЕВ.
ЎзТАГ мухбири.

ФРАНЦИЯ. Париждаги Клебер биноси халқаро йиғилишлар маркази бўлиб қолган. Бу ерда тез-тез музокаралар ва кенгашлар ўтказиб турилади. Суратда: бинонинг умумий кўриниши.

АФП—ТАСС фотоси.

БМТ БОШ СЕКРЕТАРИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 17 январь. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош секретари Курт Вальдхайм Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни қайта тиклаш тўғрисидаги битим «пайсалга солинмай имзоланиши зарур» деди.

«Вьетнам проблемаси жанг майдонида эмас, балки музокаралар столида ҳал этилиши лозим», — деб таъкидланади Вальдхайм баёнотида.

ҚУРҒОҚЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ПРОГРАММАСИ

ДЕҲЛИ, 17 январь. (ТАСС). Тез-тез бўлиб турадиган қурғоқчилик Ҳиндистоннинг Махараштра, Мадҳьяпродеш, Бихар, Андхра-Прадеш ва бошқа баъзи штатларига катта зарар етказади. Ҳиндистон ҳукумати қурғоқчиликнинг офат келтирувчи оқибатлари олдини олиш мақсадида мазкур штатларда ирригация системалари қуриш тўғрисида қарор қабул қилди. Ирригация системаларининг қурилишига 1 миллиард 473 миллион рупия пул ажратилди.

Қурғоқчиликдан айниқса кўп азоб чекаётган Махараштра ва Андхра-Прадеш штатларига алоҳида аҳамият берилади. Ирригация системалари қурилиши соҳасида белгиланган программага мувофиқ мамлакат деҳқончиликка яроқли бир миллион гектардан ортиқ ер олади.

КЕСКИН КЕЛИШМОВЧИЛИКЛАР

ЛОНДОН, 17 январь. (ТАСС). Англия, Дания ва Ирландия шу йил 1 январдан бошлаб Европа иқтисодий жамиятига аъзо бўлиб кирганлигидан кейин «Умумий бозор» министрлар кенгашининг биринчи расмий сессиясида жамият қатнашчилари ўртасида бошланиб кетган кескин келишмовчиликларни Англиядаги газеталар қизғин шарҳламоқда.

Ҳозир шу сессиянинг мажлислари ўтказилаётган Бельгия пойтахтидан олинган хабарларга қараганда, сессиянинг биринчи мажлисидаёқ Англия ташқи ишлар министри Дугласс-Хьюм «умумий бозор»нинг бошқа аъзоларидан жамият олдида турган бевосита иқтисодий проблемаларни муҳокама қилишдан воз кечишни ва бутун диққат-эътиборни муҳим стратегик масалалар»га қаратишни жиддийлик билан талаб қилган. Баъзи маҳаллий обзорчиларнинг айтишига қарагандa, шу тариқа у Англиянинг Европа иқтисодий жамиятини ҳарбий-сиёсий блокка айлантиришга, шу блокда Англиянинг етакчи роль ўйнайдиган қилишга интилаётганлигини яна бир марта яққол кўрсатган.

Франция ташқи ишлар министри М. Шуман Англия министрининг бу талабига қатъий эътироз билдириб, ташқи сиёсатнинг ва халқаро дипломатиянинг муҳим масалаларини миллий ҳукуматлар ўзлари ҳал қилишлари лозим, деди.

Лондондаги «Гардиан» газетаси обзорчисининг фикрига қараганда, М. Шуманнинг бу гапи Европа иқтисодий жамияти «умумий бозор»га аъзо бўлган мамлакатларнинг «бирлашган» ташқи сиёсатини ўтказсин, деб Англия қилаётган талабга кескин зарба бўлиб тушди». Англия консерваторлари мана шундай сиёсат ёрдамида, шунингдек жамиятнинг «миллий манфаатлардан устун органлари»нинг ролини кучайтириш йўли билан иқтисодий аҳамиятда етакчилик ролини ўз қўлига олишга уринмоқда, деган фикрлар айтилмоқда.

ЯПОНИЯ. Ҳозирда Япония территориясида Америка Қўшма Штатларининг 100 дан ортиқ ҳарбий базаси жойлашган. Бу базаларда Жанубий Вьетнамда шикастланган америкаликларнинг ҳарбий техникаси ремонт қилинмоқда. Япония жамоатчилиги мамлакатда бундай базалар бўлишига қатъий норозилик билдирмоқдалар. Суратда сиз Сагамиҳарада АҚШ ҳарбий базаси даги танкларни кўриб турибсиз.

КИОДО—ТАСС фотоси.



ЁЗ НАФАСИ УФУРГАН „ДАЛАЛАР“

ТАШҚАРИДА аёз, қирчиллама киш чилласи. Қовоғи солиқ, бўзарган осмондан изғирин аралаш тинимсиз қор бўралайди. Яқин-яқинларда зумрад либос кийган, тракторлар ҳайқириб кишилар ўз меҳнатини қўшиққа солиб куйлаган бепоён далалар сукутда, қиш уйқусида. Лекин мана шу сокин далалар ёнгинасида ҳамиша уйғоқ далалар ястанган. Бу ҳудди ажойиб эртакларни эслатади. У ерда — баланд ойнаванд ромлар, плёнкалар остида ҳақиқий ёз, турли сабзавотлар ғарқ пишган палла — куврак бодринглару, қирмизи ранг помидорлар чиройидан кўз қувнайди, гуллар чаман-чаман...

Ҳа, ёз инсон измида. Инсоннинг ақл-идроки, унинг қаҳрамонона меҳнати бу ерда ёзни абадий қишлаб қолишга мажбур этган. Ҳамиша ёз нафаси уфурган бундай далалар — теплица хўжаликлари областимизда жуда кўп. Доврўғи узоқ-узоқларга таралган Қўйлиқ теплица комбинати ана шундай йирик хўжаликларнинг биридир. Уни ҳақли равишда улкан сабзавот фабрикаси дейишади.

— Зиммамизга пойтахтликлар дастурхонини қиш фаслида ҳам кўплаб ёз ноз-неъматлари билан таъминлашдек шарафли вазифа юклатилган, — дейди комбинат директори Салоҳиддин Чўтбоев. — Шуни мамнуният билан қайд қилиш керакки, ишчан коллективимиз ўз зиммасидаги топшириқларни мунтазам ошириб адо этиб келмоқда. Қишки сабзавот етиштириш ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Бир мисол. Агар комбинат ишга тушган дастлабки 1967 йили мавжуд саккиз секциядан 25 тонна маҳсулот топширилган бўлса, ўтган юбилей йилида жуда катта меҳнат муваффақиятига эришилди. 84 секциядан эл дастурхонига 850 тонна ёки плондагидан 15 тоннадан зиёд бодринг, помидор ва бошқа кўплаб резаворлар етказиб берилди. Мамлакатимиз шонли юбилейига муносиб туҳфалар билан келдик.

Ҳа, олтин тўйга арзигулик тўёна. Ахир бу каттагина бир колхознинг йиллик ҳосил хирмонига баробарлашиб қолади. Пул даромади эса росмана икки хўжаликнинг даромадидан ҳам ортиқроқдир. Хўш, бу қайси азамат миришкорларнинг қалб кўри, меҳнат сурури. Қаҳратон киш кунларида эл дастурхонига палагидан янги узилган бодринг, помидор ва барра қўкатларни тортиқ этаётган олийҳиммат кишилар ким ўзи?

Ёз таровати, гуллар бўйи уфуриб турган соя-саноқсиз секцияларни бир-бир айланамиз. Ойнаванд «дала»ларда иш қизғин. Бир гурух қизлар кўм-кўк палакларда етилиб пишган бодринг ва помидорларни узиб, челакларга саралаб теришяпти. Янгитлар эса улар терган ноз-неъматларни йўлкаларга олиб, чиқиб, яшикларга жойлашяпти. Бошқа секцияларда эса, ёш ниҳолларда сув тараляпти, навбатдаги экинларга жўяклар тортиляпти.

Биринчи бўлим бошлиғи Нишонбой ака Шоёқубов секциялардан бирига бошлаб киради. У бизни ёшгина бир қиз билан таништираркан, шу секция бошлиғи, сабзавотчилик миришкори Фарида Мирзараҳмедова эришаётган муваффақиятлар ҳақида мамнун бўлиб сўзлайди.

— Фарида энг серғайрат ёшларимиздан бири. У бултур ҳар квадрат метрдан плондаги 10 килограмм ўрнига 19 килограммдан ҳосил топшириб, комбинатда рекорд ўрнатди.

Бўлимда Фарида сингари ўз ишининг моҳир усталари миришкор сабзавоткорлар жуда кўп. Сабзавотчилик миришкорларидан Насиба Ойхўжаева, Буойша Абдураҳимова, Мўътабар Қўзибоева, звено бошлиқлари Зиёдат Мирзааҳмедова, Мафират Тўхтаназарова, Абдуқодир Каримов, Матлуба Хошимова ва бошқалар шулар жумласидандир.

3-звено бошлиғи Зиёдат опа ҳақида ҳар қанча мақтов гаплар айтса ҳам оз. Бу оддий деҳқон аёл ўз меҳнати, юксак инсоний фазилатлари билан кўпчилик ўртасида катта ҳурмат, эътибор қозонган. У ўз ерида ихлос билан ишлайди. Ишга эрта келиб, кеч қайтади. Ахир ҳар бир секциядаги 3500 туп ниҳолнинг ҳар қайсисига алоҳида парвариш, меҳр талаб этилади. Бу ерда ҳар туп ниҳол ҳисобида. Секциялардаги шароит жуда мураккаб. Шундай экан, ҳар бир туп ниҳолни авайлаб, меҳр қўйиб парваришламас экансан, ундан мўлжалдаги ҳосилни олиб бўлмайди. Ҳосил эса, ҳадеганда тез етилавермайди. Бодринг 60 кунда, помидор эса 120—130 кунда пишади.

Зиёдат опа Мирзааҳмедова ўтган юбилей йилида ўз секциясидан плондан 8 тонна ўрнига 12 тонна маҳсулот топшириб катта ютуқни қўлга киритди. Ана шундай шижоаткор кишилар туфайли бўлим, қолаверса бутун комбинат ўз топшириқларини мунтазам ошириб адо этиб келмоқда.

Бўлим миришкорлари юбилей йилини, айниқса муваффақиятли якунладилар. Йиллик план 150 процентдан ошириб юборилди. Ҳар квадрат метр ер ҳисобига олинган ҳосил 14 килограммданни ташкил этди. Оралиқ ерлардан олинган ҳосил ҳам баракали бўлди. Бу соҳадаги план 13 тонна ўрнига 30 тонна қилиб бажарилди.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган бўлим миришкорлари янги йилда зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб меҳнат қилишаяпти. Бу йил бўлимда секциялар сони 48 тага етказилади. Шаҳарликларга 430 тонна ноз-неъмат тортиқ этилади.

Беш йилликни тўрт йилда бажариш умумхалқ ҳаракатига қўшилган бўлим ишчилари меҳнатни ўзаро мусобақа асосида ташкил этмоқдалар. Комбинатда бўлим ва звенолар ўртасидаги мусобақа шартлари ҳар ой охирида текшириб борилади ва квартал охирида якун ясалади. Ғолибларга байроқ ҳамда пул мукофотлари бериб борилади. Бу тадбир яхши самаралар бермоқда. Бўлимда 1971 йил планининг 140 процент, 1972 йил планининг 150 процент адо этилгани ана шу мусобақанинг ижобий самарасидир.

Меҳнатдан манфаатдорлик ҳам ишнинг муваффақиятида салмоқли роль ўйнамоқда. Ишчилар маҳсулот топшириш ва пул даромади планларининг ошириб бажарилишидан катта наф кўрмоқдалар. Масалан, 1971 йилда бўлим ишчиларига 15 минг сўм пул мукофоти тақсимланди. Ҳар бир ишчининг ойлик ўртача иш ҳақи 145—250 сўмни ташкил этди. Байроқдор бўлим коллективининг ўтган йилги меҳнати янада салмоқли бўлди. Ишчиларга 18—20 минг сўм миқдорида мукофот пули тақсимлаш мўлжалланмоқда.

84 гектар майдонни эгаллаган улкан теплица комбинатининг сабзавот цехлари йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Мавжуд секциялар қаторига бу йил блок типида қурилган олти гектарлик янги цех қўшилади. Бу эса ишлаб чиқариш қувватларини сезиларли равишда оширади. Шунга кўра комбинат ишчиларининг «бу йил 1000 тонна ёз неъматлари етиштириб берамиз» деган ваъдаларининг устидан чиқишларига шубҳа қилмаса бўлади.

Комбинатнинг келажаги яна ҳам ёрқин. Тўққизинчи беш йилликнинг охирига бориб, қиш фаслида сабзавот маҳсулотлари етиштириладиган ёпиқ участкалар майдони 20 гектарга етади. Ўшанда шаҳарликлар дастурхонига ҳар мавсум 4 минг тоннадан зиёд янги узилган бодринг, помидор ва бошқа турли-туман резаворлар етказиб бериб туриладиган бўлади. Ҳозир эса комбинат ўсишда, улғайишда.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

СУРАТЛАРДА: (чапдан ўнгга). Илғор ишчи Нафиса Бойматова. Фарида Мирзараҳмедова ва Марифат Тўхтаназаровалар помидор теришаяпти. (Пастдаги суратда) илғор звено бошлиғи Зиёдат Мирзааҳмедова иш устида.

А. Абалян фотолари.

У КУНЛАР ШУХРАТИ СУНМАС

ПУЛКОВО ТЕПАЛИГИДА

Мен бўлдим Пулково тепалигида,
Мунажжим ўйнга кирган эмасман.
Тўп ўтидан синган дарахт тагида
Бирпас туриб қолдим, бир сўз
демасман.
Ачинарли эди ўқ теккан дарахт,
Калласи узилган одамдай жонсиз,
Тик туриб ўлган у, қуриган бевақт,
Ҳаёти ўтади сепсиз, хазонсиз.
Ундан сўрамоқчи бўлдим урушни,
Кўрсатди Пискарёв қабристонини.
Сўрамоқчи бўлдим қуриб туришин,
Кўрсатди ердаги ўқ пистонини.
Занг босган қўрғошин хомуш
ётарди,
Окоплар чизиғи нўзга чалинар,
Гўё кимдир ўқин ёвга отарди,
Яраланган кимдир сув деб ялинар
Бутазор ичида бетон истеҳком,
Урушдан бир ёдгор харсанг
бўлибди.
Бунда тўққиз юз кун шаҳар
тўккан қон,
Бунда ёв қуёши ахир сўнибди.
Бунда мардлар умри мангу
афсона,
Тепа қабрлари ҳушёр бўлинг дер.
Бу жаҳон бўлмасин яна ўтхона,
Ёвга қарши жангга тайёр бўлинг
дер.

НАЗАРМАТ.

ЖАСОРАТ

(ЛЕНИНГРАД ШЕЪРЛАР ТУРКУМИДАН)

Ҳаммаёқ ухлагандек
Сукутда бутун шаҳар.
Фақат постида сергак
Кузатар зенитчилар.
Халқ кутади бугун ё
Эрта бўлар деб уни.
Қойил қолар бу дунё
Тугаса ёвнинг куни.
Аммо ҳужум йўқ ҳали,
Душман ҳамон қутирар.
Гоҳ тун, гоҳ тонг маҳали
Тўпдан ўқ ўзиб турар...
Ниҳоят етиб келди.
Ҳамма кутган ўша кун.
Генштаб буйруқ берди,
Бошланиб кетди ҳужум!
Кўрсатди ўз таъсирин
Ингитлар ичган онти.
Берди ёвнинг таъзирин
Ленинград фронти!
Тўплар, танклар бир йўла
Шиддат билан ўт очди.
Бўшаб қолди ертўла.
Фашистлар ура қочди.
Қувиб кетди жангчилар
Ёв қўшинин изма-из.
Қувар эди танкчилар
Тинмайин кеча-кундуз...
Қамал тугаб ниҳоят
Шаҳарда ёнди чироқ,
Ёв қолдирган жароҳат
Дилдан кетмасди бироқ.
Бошланса ҳам тинч ҳаёт,
Ҳали кураш борарди.
Туллар чеккан оҳ-фарёд,
Дилга ғусса соларди.
Олисда олов сочиб,
Давом этаркан уруш,
Шаҳрим, ғайратинг тошиб
Бошладинг қайта қуриш...
Қалби билан қўллаган,
Омон бўлсин, она юрт.
Ғалабага йўллаган
Партияга зўр салют!
Жасур шаҳрим, мард
шаҳрим,
Жанг шаҳримга офарин!
Жангда авангард шаҳрим,
Тонг шаҳримга офарин!
Сен кўрсатган матонат
Аждодлардан намуна!
Сен кўрсатган жасорат
Авлодларга намуна!

Наримон ОРИФЖОНОВ.

ЭЛ ХИЗМАТИДА

Октябрь район ошхоналар трести коллективи шу кунларда янги йил вазифаларини муваффақиятли адо этиш учун зўр ғайрат кўрсатиб ишламоқда. Трест коллективи йил давомида планга қўшимча равишда юз минг сўмлик маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб беришга аҳд қилган. Коллектив кучи билан жойларда тўртта янги ошхона қурилади, чойхона ва кафелар очилади. Зиммага олинган мажбуриятда яна бир қатор вазифаларни бажариш кўзда тутилган.

Коллектив юбилей йилида бор имкониятлардан унумли фойдаланиб, ажойиб муваффақиятларни қўлга киритган эди. Пазандалар йиллик топшириқни муддатидан олдин адо этиб, қўшимча 195 минг сўмлик маҳсулот сотган эдилар. Жойларда 1434 ўринли ошхоналар қурилди. Жамғарма олиш топшириғи ҳам барвақт бажарилди.

Ошхоналар трести коллективининг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида доклад қилган трест директори Н. Низомов ўтган йили қўлга киритилган ютуқларни атрофлича анализ қилди. Илғорлар номини алоҳида тилга олди. Трест коллективи эришган муваффақиятларга 4, 9, 11, 13- ошхоналар пазандалари айниқса кўп ҳисса қўшдилар. 11, 13- ошхоналар коллективлари бир йилда товар обороти планини олдинги йилга нисбатан салкам 11 процентдан оширдилар. 38- ошхонада эса товар обороти 34,7 процентга ошди. Бу ютуққа улар овқатланиш объектларини кенгайтириш ва ўринлар сонини ошириш билан эришдилар.

Кейинги пайтда умумий овқатланиш корхоналарида хизматнинг прогрессив формалари кенг қарор топмоқда. Хўрандалардан олдиндан буюртма қабул қилиш, олдиндан столларга таом тортиш, таомни бевосита иш жойига элтиб бериш каби иш формалари эндиликда ўзини оқламоқда. Таомлар сифатини яхшилаш мақсадида умумий овқатланиш корхоналари техника жиҳатдан мукаммалроқ қуроллантирилмоқда. Ҳозирги кунда трест корхоналарининг 530 таси холодильниклар билан таъминланган, 1300 дона савдо-технологик ускунаси билан қуроллланган.

Докладчи ва сўзга чиққан нотиқлар йил давомида бажарилган ишларни алоҳида таъкидлаш билан бирга кўпчилик эътиборини бажарилмай қолаётган вазифаларга ҳам қаратдилар. Трест бўйича умуман план топшириқлари бажарилаётган бўлса-да, аммо алоҳида олганда баъзи бир корхоналар ўз вазифасини муваффақиятли уддалай олмаяпти. Айрим савдо ходимлари ўз вазифаларига сидқидилдан, ҳалол муносабатда бўлмаяптилар. Совет савдоси қоидаларига риоя қилмаган бир қатор ходимлар ўтган йили ўз қилмишларига яраша жазоландилар. Улар орасида 30- ошхона ходими Сатторов, 19-ошхона бош ошпази Расулов, 18-ошхона бош ошпази Султонов, 38- ошхона кассири Тележинко ва бошқалар бор. Бундан буён асосий эътибор ходимларни ҳалол меҳнат қилишга ўргатиш, масъулиятни ошириш, хўранда ва харидорлар билан ширин муомала қилишга қараталиши керак.

Тўққизинчи беш йилликнинг учинчи йилида трест коллективи олдида улкан вазифалар турибди. Улар халққа кўрсатаётган савдо хизматини янада яхшилаш, қўшимча кўплаб ошхоналар очиш, ёшларни ўқитиш ва касб ўргатиш, қишлоққа кўрсатилаётган оталиқ ёрдамини кучайтиришга аҳд қилганлар. Бу вазифаларни бажармоқ учун биринчи навбатда социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириш, хизматнинг прогрессив формаларини жорий этиш ва кадрлар малакасини ошириш талаб этилади. Шубҳа йўқки, иноқ коллектив ички имкониятларни тўлароқ ишга солиб, яни йилда белгиланган марраларни муваффақиятли эгаллайди.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

РАҚИБЛАР МАЪЛУМ

Ташланган чекка қўра совет футболчиларининг Европа мусобақаларидаги рақиблари аниқланди. Киевнинг «Динамо» командаси Европа чемпионлари кубогининг чорак финалида Испаниянинг машҳур «Реал» клуби билан учрашади. Маълумки, бу клуб олти марта фахрли совринни қўлга киритган эди.

Москванинг «Спартак» командаси Кубок эгалари кубоги мусобақасида Италиянинг «Милан» клуби билан беллашиши аниқ бўлди. Бу клуб ҳам қитъада энг кучлилардан ҳисобланади. Италияликлар 1968 йили кубок эгалари кубоги мусобақасининг ғолиби эдилар.

Чорак финал ўйинлари 7 ва 21 март кунлари ўтади.

БИРИНЧИ УЧРАШУВ

Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари Сочи шаҳрида мавсумга тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар бу ерда Москванинг «Локомотив» командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Биричи контроль ўйин ҳамшаҳарларимизнинг ғалабаси билан тугади. Ҳисоб 2:1.

ТОШКЕНТЛИК ЕШЛАР

БИРИНЧИ

Ленинград шаҳрида «Буревестник» жамияти марказий Советининг ёшлар ўртасида сув полоси биринчилиги мусобақалари тамом бўлди. Тошкент шаҳри командаси бу ерда биринчиликни қўлга киритди. Спортчиларимиз Минск командасини 4:3, ленинградликларни 6:4, Ленинград области вакилларини 11:1 ҳисобида мағлубиятга учратдилар ва Москва коллективи билан 5:5 ҳисобида дуранг қилдилар. Натижада 7 очко тўплаб, мусобақа ғолиби бўлдилар.

✦

БУТУНИТТИФОҚ УЙИНЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Яқинда Тошкентдаги «Ёшлик» спорт аренасида енгил атлетикадан Ўзбекистон шахсий-команда биринчилиги бўлди. Республикамизнинг ҳамма областлари, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳрининг 163 спортчиси иштирок этган бу мусобақада бирмунча яхши натижалар қайд қилинди. Тошкентлик Сергей Аникин 7 метру 18 сантиметр узунликка сакради. Светлана Шаталина 400 метрга югуришда 59,3 секунд натижа кўрсатди. Владимир Сдобнов 60 метрлик масофани 6,8 секундда босиб ўтди.

Команда ҳисобида биринчи группа бўйича Тошкент шаҳри терма командаси ютиб чиқди. Иккинчи ўринни Фарғоналиклар, учинчи ўринни пойтахтимиз области вакиллари олдилар.

Иккинчи группа бўйича Қорақалпоғистон АССР енгил атлетикачилари биринчиликни эгалладилар. Бу мусобақалар Бутуниттифоқ ёшлар ўйинларига тайёргарликнинг биринчи босқичи эди. Бутуниттифоқ ўйинлари Ватанимиз пойтахтида июль ойида бўлади.

✦

ЧЕМПИОН НОКАУТ ҚИЛМОҚЧИ

Профессионал боксчилар ўртасида жаҳон чемпиони Жо Фрезнер яқинда АҚШдан Ямайка пойтахти Кингстонга йўл олди. Бу ерда у 22 январь куни чемпионликка даъвогар Жорж Форман билан «жанг» қилади.

Фрезнер Кингстонга учиш олдидан жуда яхши спорт формасида эканлигини маълум қилди. Жаҳон чемпиони журналистлар билан суҳбатда: «лозим бўлса рингда 30 раундгача «жанг» қила олишга тайёрман» деб айтди. «Лекин ҳарқалай дастлабки раундлардаёқ рақибимни нокаут билан енгишни мўлжаллаяпман», деб қўшиб қўйди у.

Форман эса ҳозирча сукут сақлаб, Кингстондаги спорт залларидан бирида зўр бериб машқ қилмоқда.

Пойтахтимизнинг Киров районидаги 8-ошхонанинг кондитерлик цехи ҳар куни мактаб ва олий ўқув юртлари буфетлари учун уч тоннага яқин хидма-хил нон маҳсулотлари ва ширинликлар тайёрлаб беради. Суратда: илғор қандолатчилардан Азиза Каримова ва Мунира Обидовалар.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

Реклама ва эълонлар

ТВ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

12.30 дан — **Москва кўрсатади.**

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.00 — **Кўрсатувлар программаси.**

Ўзбек тилида: 18.05 — **«Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби».**

Рус тилида: 19.05 — **«Ёш ижрочилар концерти,** 19.45 — **«Ахборот»** информацион программаси, 20.00 — **Хужжатли фильмлар кино экрани.**

Ўзбек тилида: 20.20 — **Ун минут музика,** 20.30 — **«Ахборот»** информацион программаси, 20.00 **Хужжатли фильмлар кино экрани.**

Ўзбек тилида: 20.20 — **Ун минут музика,** 20.30 — **«Ахборот»** информацион программаси, 21.00 — **Театр янгиликлари,** 22.30 — **«Ўзбекистон чорвадорн»** программаси, 23.00 — **Тошга тош** (бадиий фильм, рус тилида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ

Рус тилида: 11.30 — **Биология.** 9-синф ўқувчилари учун 12.00 — **Телефильм,** 12.25 — **Биология.** 9-синф ўқувчилари учун (ўзбек тилида).

18.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

19.00 — **Тошкент янгиликлари.**

Ўзбек тилида: 19.10 — **Синов йилларида** (телефильм), 19.50 — **Фортепьяно куйларидан концерт.**

Рус тилида: 20.20 — **Бегона уй** (телеспектакль), 21.50 — **Эстрада концерти.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 19/I да **Оққўш кўли,** 20/I да **Князь Игорь.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/I да **Бой ила хизматчи,** 20/I да **Инжилоб тонги.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗЫКАЛИ ТЕАТРИДА — 19/I да **Ҳалима,** 20/I да **Жумагул,** 21/I да **Ажаб савдолар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 19/I да **Биринчи бўса,** 20/I да **Трибунал.**

КИНО

Аеллар ва берсальерлар — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Аждодлар сири — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 5 ва кеч 7 да).

Рам ва Шам (2 серия) — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12 ва 3 да).

Рустам ва Сухроб — «ЧАПКА» (жуфт сеансларда), «МОСКВА» (тоқ соатларда), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11.30 ва кеч 9 да).

Кутилмаган меҳмон — «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6, 8 ва 9 ярим да).

Нариги томон кишиси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1, 3, кеч 8.45 ва 10.30 минутларда), «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз 1 ва 3 да).

Қора фаришталар (эрталаб соат 11, кундуз 2, 5 ва кеч 8 да), **Катта сайр** (кундуз соат 12, 3, кеч 6 ва 9 да): — «СПУТНИК».

Зўраки айбдор (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 ва 8 да), **Севги ёши** (кундуз соат 2, 4 ва кеч 9.45 минутда): — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Севгига эришиш йўли — ҲАМЗА номли (тоқ соатларда).

Ҳур қизлар — «ВОСТОК» (кундуз соат 5 ва кеч 8 да).

Тилла зирак — «ДРУЖБА» (кундуз соат 4, кеч 6 ва 8 да).

Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитети Тошкент область партия комитетининг секретари Б. А. Абдураззоқовга отаси

Аббос АБДУРАЗЗОҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Касаба союзларининг Тошкент область совети Тошкент область партия комитетининг секретари Б. А. Абдураззоқовга отаси

Аббос АБДУРАЗЗОҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги коллегияси партия бюроси ва махаллий комитети министр ўринбосари Д. А. Абдураззоқовга отаси

Аббос АБДУРАЗЗОҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 ўй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 836495. Редактор ўринбосарлари — 835885, 837916. Маъсул секретарь — 834808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 831936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 833786. Партия турмуши, ахборот ва спорт бўлимлари — 835811. Қишлоқ хўжалиги, фан мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 839050. Совет қурилиши маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 837045, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 834048. Эълонлар бўлими — 838142., Коммутатор — 830249 дан 830258 гача.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Р-03149. ИНДЕКС 64697. № В—1655.